# ХОЛИС БАҲО БЕРАЙЛИК

**Область бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот ва сайловлар давом этмоқда. Йиғилишлар ва конференцияларнинг қатнашчилари партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорлари, ўртоқ М. С. Горбачевнинг кўрсатмалари ва тавсиялари, шунингдек Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми ва Тошкент область партия комитетининг IV пленуми талаблари асосида ташкилий, идеологик ва сиёсий-тарбиявий иш усул ва услубларини ҳар томонлама чуқур таҳлил қилмоқдалар.**

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг янги таҳрирдаги Программаси лойиҳасини, КПСС Уставидаги ўзгартишларни, СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳасини муҳокама қилган КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил октябрь Пленуми қарорлари область коммунистлари ва барча меҳнаткашларининг жанговар ҳаракат программаси бўлиб қолди. Эндиликда КПСС XXVII съездига тайёргарликнинг масъулиятли босқичи бошланди. Бу партия экономика ва сиёсатнинг муҳим масалалари бўйича халқ билан кенг миқёсда ва тўғридан-тўғри маслаҳатлашадиган босқичдир.

Съездолди ҳужжатларини муҳокама қилиш, пропаганда қилиш ва тушунтириш бўйича ишлар ишчанлик вазиятида ўтиши, конструктив характерда бўлиши, меҳнат коллективлари олдида турган конкрет жорий ва истиқболли вазифаларни ҳал қилиш билан мустаҳкам боғланиши керак. «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси коммунистларининг ҳисобот-сайлов конференцияси, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинати, «Узбекхиммаш», Олмалиқ химия ва рўзғор химияси, Тошкентдаги компрессор заводлари, Янгийўлдаги «Лаззат» кондитер ишлаб чиқариш бирлашмаси ва ёғ-мой комбинати, Тўйтепадаги металл конструкциялари заводи, Тошкент машинасозлик техникуми, Бўстонлиқ районидаги 33-ўрта мактаб, Янгийўл районидаги «Партия XXI съезди» ва «Коммунизм» колхозлари ҳамда бошқа корхоналар, ташкилотлар ва хўжаликлар бошланғич партия ташкилотларида йиғилишлар юксак активлик, камчиликларни танқид қилиш вазиятида ўтди.

Йиғилишларда область партия комитети, шаҳар ва район партия комитетларининг масъул ходимлари сўзга чиқдилар.

**ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР**

Таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, айрим партия ташкилотларида йилнинг энг муҳим йиғилишларини ўтказишга тайёргарликда катта нуқсонларга йўл қўйилган. Бунинг оқибатида Бўка район газлаштириш идораси, «Узбекхлопкомаш» бирлашмасининг машинасозлик заводи, САИМЭ, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги, республика ҳисоблаш марказининг Янгийўл филиали, область ва Бекобод шаҳар маиший хизмат кўрсатиш бошқармалари партия ташкилотларининг йиғилишларидаги ҳисобот докладлари ва коммунистларнинг нутқларида камчиликларни танқид қилиш ва ўз-ўзини танқид етарли даражада бўлмади. Ташкилий-партиявий, идеологик ва сиёсий-тарбиявий ишлар билан боғлиқ бўлган масалаларга лозим даражада эътибор берилмади. Партия бюролари аъзолари, партия ташкилотлари секретарларининг иши, қабул қилинган қарорлар ва партия топшириқларининг бажарилиши устидан назорат тўла таҳлил қилинмади. Айрим партия ташкилотларида меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш, ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши курашни кучайтириш масалалари эътибордан четда қолди.

Бу муҳим кампания давомида кўпгина коммунистлар қимматли таклиф ва мулоҳазалар билан чиқдилар. Масалан, Янгийўл биохимия заводининг партия бюроси кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашдаги камчиликларга йўл қўйганлиги учун танқид қилинди. Тошкент давлат район электр станцияси коммунистлари партия комитетининг цех партия ташкилотлари ва партия группаларига суст раҳбарлик қилганлигини таъкидладилар.

Ангрен сут заводи коммунистлари корхона партия бюроси олдига маъмурият фаолиятини назорат қилиш бўйича комиссия активлигини ошириш юзасидан аниқ вазифалар қўйдилар. Олмалиқ мебель комбинати коммунистлари эса партия бюроси комсомол ва ёшларни тарбиялашда катта камчиликларга йўл қўйганлигини ташвишланиб гапирдилар. Чиноздаги 2-автобаза ва Тошкент «Химчистка» фабрикасида бўлиб ўтган йиғилишларда ҳисобот даврида партия сафи кенгаймаганлиги таъкидланди.

Ҳисобот ва сайловлар давом этмоқда. Шаҳар ва район партия комитетлари, барча партия комитетлари бу йиғилишларнинг боришини ўз вақтида ва муфассал таҳлил қилишлари, йўл қўйилган камчиликлар ва нуқсонларни зудлик билан бартараф этишлари, коммунистларнинг танқидий мулоҳазалари ва таклифларини бажариш устидан доимий назоратни йўлга қўйишлари зарур.

# ЙИЛНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЯКУНЛАЙЛИК

**(Боши 1-бетда).**

Оғир машинасозлик ва транспорт министрлиги, электротехника саноати министрлиги, приборсозлик, станоксозлик саноати, химия ва нефть химияси машинасозлиги министрликлари ҳамда тракторсозлик ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги саноат бирлашмалари ва корхоналарида ишлаб чиқариш бирлашмалари (корхоналари)нинг планлаштириш ва хўжалик фаолиятида ҳуқуқларини кенгайтириш ва иш натижалари учун уларнинг масъулиятини кучайтириш иқтисодий тажрибаси ўтказилмоқда. Шу усулга ўтказилган бирлашмалар ва корхоналарнинг фаолият кўрсаткичлари яхшиланди. Приборсозлик ҳамда тракторсозлик ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги министрликларининг корхоналарида шартнома мажбуриятларининг бажарилиш даражаси ортди. Оғир ва транспорт машинасозлиги министрлиги билан химия ва нефть химияси машинасозлиги министрлигининг бирлашмалари ва корхоналари маҳсулот етказиб бериш юзасидан зиммаларидаги мажбуриятларини тўла бажардилар.

**Муҳим маҳсулот турларини** ишлаб чиқариш қуйидагича бўлди:

| | 1985 йилнинг 9 ойида ишлаб чиқарилди | 1985 йилнинг 9 ойида 1984 йилнинг 9 ойига нисбатан процент ҳисобида |
|---|---|---|
| Электр-энергияси — миллиард киловатт-соат | 13,5 | 115 |
| Минерал ўғитлари (озуқа моддасини юз процентга айлантириб ҳисоблаганда) — минг тонна | 486,1 | 100,4 |
| Олтингугурт кислотаси — минг тонна | 1045,9 | 112 |
| Куч трансформаторлари — минг киловольт-ампер | 5730 | 102 |
| Брон кабели — минг километр | 15,3 | 113 |
| Компрессорлар — минг дона | 8,6 | 105 |
| Тракторлар — минг дона | 19,8 | 101 |
| Трактор сеялкалари — минг дона | 6,1 | 104 |
| Трактор культиваторлари — минг дона | 16,5 | 115 |
| Пахта териш машиналари — минг дона | 7,1 | 92 |
| Электрик кўприк кранлари (маҳсуслари ҳам ҳисобга киради)— дона | 1086 | 103 |
| Экскаваторлар — дона | 1184 | 103 |
| Картон — минг тонна | 5,5 | 100,7 |
| Йиғма темир-бетон конструкциялари ва буюмлари — миллион куб метр | 2,0 | 101 |
| Шифер—шартли миллион плита | 161 | 102 |
| Иморатбоп ғишт—миллион дона | 410 | 99,2 |
| Каноп толаси — минг тонна | 22,6 | 106 |
| Нотўқима материаллар — миллион квадрат метр | 5,5 | 110 |
| Пайпоқлар — миллион жуфт | 0,4 | 102 |
| Ички трикотаж — миллион дона | 8,8 | 103 |
| Устки трикотаж—миллион дона | 6,4 | 102 |
| Пойабзал — миллион жуфт | 10,9 | 103 |
| Гўшт (саноатда тайёрланган) — минг тонна | 49 | 94 |
| Колбаса маҳсулотлари — минг тонна | 23,5 | 98 |
| Қаймоғи олинмаган сут маҳсулотларини сутга айлантириб ҳисоблаганда — минг тонна | 138,7 | 99,3 |
| Ўсимлик мойи — минг тонна | 35,9 | 141 |
| Макарон маҳсулотлари — минг тонна | 19,1 | 101 |
| Консервалар — шартли миллион банка | 177,3 | 103 |
| Чинни-фаянс идишлари — миллион дона | 17,7 | 101 |

Тракторлар, трактор культиваторлари, пахта териш машиналари, кошинкор керамика плиталари, пахта толаси ишлаб чиқариш бўйича 1985 йил январь—сентябрь плани бажарилди.

Кўпчилик халқ истеъмол товарлари, жумладан чарм пойабзали, ички ва устки трикотаж, гиламлар ва поёндозлар, ўсимлик мойи ва бошқа маҳсулотлар тайёрлаш юзасидан планда мўлжалланган ҳажмга эришилди.

Область ишлаб чиқаришига юксак унумли техника ва прогрессив технология жорий қилинди. 9 ой давомида корхоналарда 83 та механизациялашган поток ва автоматлашган линиялар ўрнатилди, 45 дан ортиқ участка, цех ишлаб чиқариши комплекс механизация ва автоматлашга ўтказилди. Асбоб-ускуналар парки рақамли программ бошқариладиган металл қирқиш станоклари, саноат роботлари, ўзгарувчан автомат системалари билан тўлдирилди.

Айни вақтда шартнома мажбуриятлари ҳали ҳам тўла бажарилмаяпти. Химия саноати, бинокорлик материаллари саноати, қишлоқ хўжалиги ва мева-сабзавот хўжалиги министрликларининг ва айрим бошқа министрликларнинг ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналари истеъмолчиларга маҳсулотларни тузилган шартномалар ва ижро этиш учун қабул қилинган нарядларга мувофиқ етказиб берилишини таъминламадилар. Юксак сифат категориясидаги маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилдагига нисбатан камайиб кетди. Айрим ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналари маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш, фойда олиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, товар маҳсулоти таннархини камайтириш, маҳсулотни лозим ассортимент ва тегишли сифатда ишлаб чиқариш планларини бажармадилар. Ангрен, Бекобод шаҳарлари, Калинин, Паркент, Тошкент ва Янгийўл районлари саноати меҳнат унумдорлигини ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан пасайтириб юбордилар. Айрим ишга туширилган янги қувватлар суст ўзлаштирилмоқда ва тўла фойдаланилмаяпти. Минерал ўғитлари, сунъий аммиак, йиғма темир-бетон буюмлари ва деталлари, иморатбоп ғишт, мебель, сирланган идишлар, кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқариш планлари бажарилмади.

Тошкент область ва Тошкент шаҳар саноати ходимлари ўзларининг ижодий куч-ғайратлари ва мавжуд резервларни бу йилги план-топшириқлари ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилишига, ўн биринчи беш йилликни муваффақиятли якунлаш ва КПСС XXVII съезди ҳамда Ўзбекистон Компартияси XXI съездини муносиб кутиб олишга сафарбар этадилар.

**ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ,**
**ТОШКЕНТ ШАҲАР СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ.**

## ЧИРЧИҚ ЯНГИЛИКЛАРИ

### ИДЕОЛОГИЯ ХОДИМЛАРИ СЕМИНАРИ

Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинатида идеология ходимларининг семинари бўлиб ўтди. Унда корхона партия комитети сиёсий ўқув кабинети мудири В. Рязанцева ўн биринчи беш йиллик планларини бажариш ва КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш юзасидан комбинат идеология ходимларининг вазифалари тўғрисида доклад қилди. Идеология ходимлари, шунингдек, комбинат бош инженерининг ўринбосари Т. Худайбердиеванинг корхонада фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, экономика фанлари кандидати Н. А. Нешчетнийнинг саноатда ўтказилаётган иқтисодий экспериментнинг мақсади ва вазифалари ҳақидаги лекцияларини тингладилар.

✦

### ОТАЛИҚ ТАШКИЛОТ ЁРДАМИ

10-автобаза коллективи оталиқдаги Ўрта Чирчиқ район «Ленин йўли» колхози территориясида янги автомобиль йўллари қуриб беришда кўмаклашди. Шофёрлар йўл қурилиши учун зарур материалларни келтиришда рейсларни тежаб қолинган ёнилғи ҳисобига бажардилар.

Ҳозирги кунларда автомобилчилар пахта териш машиналарини ремонт қилишда колхоз слесарларига яқиндан ёрдам бераётирлар.

**Ш. ИСРОИЛОВ.**

✦

**◆ ЧИРЧИҚДАГИ «Узбекхиммаш» заводининг 2-цехи мастери Марҳамат Зиёбова ишлаб чиқаришда катта тажриба тўплаган. Бу инженер-технолог раҳбарлик қилаётган металл буюмлари участкасида деталлар доим сифатли тайёрланмоқда. Суратда: Марҳамат Зиёбова (чапда) участканинг илғор ишчилари Зурие Жамадинова ва Гулизара Қурбангалиевалар билан суҳбатлашмоқда.**

**В. Сироткин** фотолари.



## ТЕЖАМКОРЛИК—УМУМХАЛҚ ИШИ



**◆ ТОШКЕНТ қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводида ҳар куни 35 та пахта териш машинаси ишлаб чиқарилаяпти. Бунда механика-йиғув цехининг Александр Фогель етакчилигидаги бригада коллективининг муносиб ҳиссаси бор. Бригада аъзолари смена топшириқларини доим 115—120 процентга етказиб бажариб келишмоқда. Суратда: А. Фогель (ўнгдан иккинчи) илғор ишчилар (чапдан) Комил Шавдиров, Анатолий Аббазов ва Александр Барабашевлар билан келгуси кун иш режалари тўғрисида маслаҳатлашмоқда.**

**В. Занько** фотоси. (ЎзТАГ).



**◆ Пўлатой Шомуротова «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг донгдор тўқувчиларидан саналади. У кўпстанокчилар ҳаракатига қўшилган. Айни пайтда П. Шомуротова тармоқ нормасидаги 3 дастгоҳ ўрнига 6 дастгоҳга хизмат кўрсатиб мунтазам мусобақа пешқадамлари сафида келмоқда.**

# ЎН БАРОБАРДАН ЗИЁД

А. ГУЛОВНИНГ ишдан кетиши кўпчиликни унчалик таажжублантирмаган эди. Неча юзлаб киши ишлайдиган 125-автокорхонадан мотор созловчи бир ишчи аччиқ-араз билан ўз вазифасидан бўшаса нима бўпти?! Айниқса, ўрнини босадиган ишчилар етарли бўлгандан кейин...

Аммо унинг тавбасига таяниб, шу коллектив сафига қайтиб олишларини сўраб келишидан кўпчилик таажжубланди: «Анатолийнинг кейинги ишхонаси уйига яқин, маоши ҳам кўпроқ дейишган эди-ку?!». Лекин шу корхонада роппа-роса йигирма беш йилдан бери ишлаётган Олег Гелдиев, Николай Бублай, Ережеп Урусбаев, Анатолий Шитинин, Қосим Баратов, Раҳматилла Ажмедов, Ҳамидулла Рустамов, Константин Роут, Азамат Аҳмедов кабилар сирли жилмайиб қўйишди. Уларнинг ғурурли боқишларида маъно бор эди: «Коллективимизнинг қаҳри ҳам, меҳри ҳам шунақа... ҳумор қилади. Кетган одам қўмсаб, ахир қайтиб келади...».

Мана, яна бир мисол. Бундан икки йил аввал коллективнинг бўлиб ўтган умумий йиғилишида илғор ташаббусларни шофёрлар ўртасида оммалаштириш масаласи ишчанлик билан муҳокама қилинди. Мажлис бошида силлиқ ўтмоқда эди. Илғор ҳайдовчилардан Қўчқор Буватоев, Холмирза Нурматов, Володя Борш, Ҳикмат Исматовлар сўзга чиқиб, «Аккумулятор батареясининг иш муддатини ўн саккиз ой эмас, камида 24 ойга етказамиз, шинадан фойдаланишни ҳам 10—15 фоиз оширамиз» дейишди. Бу ташаббусни ҳамма баравар маъқуллади. Чунки иш кўзини билиб ҳаракат қилиш орқали қандай натижага эришиш мумкинлигини саранжом шофёрлар яхши билишади.

Аккумуляторнинг ёки шинанинг «умри»ни чўзиш нималарга боғлиқ? Умуман, давлат транспортига қандай муносабатда бўлмоқ керак? Худди шу саволлар ўртага тушганда мажлис руҳи ўзгариб кетди. Сўзга чиққанлар икки шофёр ишини ўзаро таққослай бошладилар. Ўзига ишониб топширилган «КамАЗ-5511» машинасини бир йилда икки бор авария қилган Ж. Рисовни ҳеч ким аяб ўтирмади. Давлат автомашинасини ўз шахсий мулкидан ҳам зиёд даражада авайлаб ишлатаётган Йўлдош Абдуллаевни эса ҳаммага ўрнак қилиб кўрсатишди. Дарҳақиқат, Й. Абдуллаев ўн уч йилдан бери ўз «Тулпори» билан салкам 500 минг километрни босган бўлса ҳам автомашинаси яп-янгидек. Сўзга чиққанлар ўз ишида масъулиятсизлик қилаётган, давлат мулкига хўжасизларча муносабатда бўлаётганларни қилмишига яраша жазолаш кераклиги, муросасозликка ўрин бўлмаслиги ҳақидаги масалани ҳам кўндаланг қилиб қўйдилар. Худди шу мажлисда ташаббус маъқуланди, илғор шофёр Й. Абдуллаев рағбатлантирилди, Ж. Рисов эса ҳайдовчиси йўқ машиналарни бошқариш ҳуқуқигагина эга бўлиб қолди.

Ҳозирги кунларда коллектив КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди, шунингдек, автокорхона ташкил топганлигининг 25 йиллигини муносиб нишонлаш учун социалистик мусобақани авж олдириб ишламоқда. Шофёрлар ўз корхоналари босиб ўтган йўл — асрнинг чорак қисмига тенг йўлга бир назар ташлашди. Ўсиш-ўзгаришлар чакки эмас: 1961 йилда жами 618,4 минг тонна юк ташилган бўлса, 1985 йилда бу кўрсаткичнинг 6 миллион 200 минг тоннадан ҳам ошиб кетиши кўзда тутилмоқда. Ўн баравардан зиёд ўсиш!

Аккумулятор ва шинани тежаш юзасидан бошланган ташаббуснинг ҳам бу йилги якуни қувонарли бўлмоқда. Йил охиригача 100 тага яқин шина, 20 тача аккумулятор батареяси, 4 минг сўмликдан зиёд запас қисмлар тежалиши мўлжалланмоқда. Ҳайдовчилар камида 16 тонна бензин, 45 тонна дизель ёнилғиси иқтисод қилиш ва уч кун тежалган материаллар ҳисобига ишлашга эришиш юзасидан белгиланган маррани муваффақиятли эгалламоқдалар.

Автобаза коллективи орасида ўзаро талабчанлик, ҳурмат, самимийлик, энг муҳими масъулиятни чуқур ҳис этиш каби фазилатлар мустаҳкам қарор топган. Бундай ижодий меҳнат вазияти доим яхши натижалар беради. Бу ҳаёт синовидан ўтган.

**А. АСИЛОВ,**
**Ғазалкент.**

# ЕТАКЧИ

КОРХОНА тарихи жуда кўп ишлаб чиқариш машъаллари, илғорлар номи билан боғлиқ. Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент тўқимачилик комбинати Социалистик Меҳнат Қаҳрамонларини, Виноградовалар, Ленин комсомоли мукофоти лауреатларини ва ниҳоят юзлаб кўпстанокчи тўқимачиларни етиштириб чиқарди. Ҳозирда биринчи қаҳрамон Марҳамат опа Йўлдошевадан тортиб Каромат Ёқуббоевага қадар барча илғорларни парвозга шайлантирган ана шу азиз корхонага юксак эҳтиром сақлайдилар.

Ҳар бир беш йилликнинг ўз қаҳрамонлари бўлади. Комбинатда шунингдек, бир беш йилликда икки беш йиллик нормани бажарган Буолма Жўраева, Дилбар Қулматова, Шоира Тошматова, Валентина Эргашева, Сирожиддин Пўлатов, Михаил Попрацкий каби донгдор тўқимачилар ҳам кўпчиликни ташкил этади.

...Бугунги кунда унинг номи ҳам кўпчиликка таниш. 15 йилдирки, у 1-тўқув фабрикасининг тўртинчи участкасида ишлаб келади. Шу ўтган давр ичида у ўз маҳорати ва тажрибасини ошириш устида тинмай изланди. Натижада у қисқа фурсат ичида ўз иш зонасини кенгайтиришга, юқори зичликларда 96 та тўқув дастгоҳига хизмат кўрсатишга ўтди. Ана шундай зичликда моҳир мастер ёрдамчиси ҳар ой мунтазам техник асосланган ишлаб чиқариш кўрсаткичларини 110—115 процентга адо этиб, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 99,8 процентга қабул қилинишига эришмоқда.

Жўрабек ҳамиша станокларнинг бетўхтов ишлаши, тўқувчилар ишининг унумли бўлиши ва ниҳоят тўқилаётган газламаларнинг юқори сифатли бўлишини таъминлашга интилади. Мабодо дастгоҳлар ишида бирон носозлик сезилса ёки техник сабаблар билан станоклар бекор туриб қолса, у дарҳол буларнинг барчасини тезкорлик билан бартараф этишга ҳаракат қилади.

Қарийб 10 йилдан буён Жўрабек Тўйчибоев етакчи бўлган комсомол-ёшлар бригадаси номи корхонада илғор коллективлар қаторида тилга олинади. Бригаданинг ёш тўқувчилари Бальзия Тастемирова, Ира Маянова ва Айна Паклар нимаики ёрдам зарур бўлса дарҳол бригадирга мурожаат қилишади. У ҳам ўз навбатида қизлардан кўмагини аямайди.

Бугунги кунда мазкур комсомол-ёшлар коллективи ҳам меҳнатнинг янги, самарали усули — бригада методи асосида ишламоқда. Янги усул — муваффақиятлар гарови бўлаяпти. Коллективда ўзаро ҳамкорлик, уюшқоқлик ва ҳамжиҳатлик каби ажойиб муносабатлар қарор топганки, булар иш сифати ва самарадорлигини оширишга имкон бермоқда.

Бригада етакчиси цехда биринчилар қатори кўп станокчилар ташаббусига қўшилган.

Апрель ойида 1988 йил топшириғини уддалагани ҳақида рапорт берган. Йил охирига қадар у яна бир йиллик топшириқни бажаришга қарор қилган. Коллектив тўқувчилари эса Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 68 йиллиги шарафига йиллик топшириқни адо этишга аҳд қилиб, меҳнат қилишаётир.

**З. ДЎСТМУҲАМЕДОВА.**

# МЕҲНАТ ТАЪЛИМИНИНГ ЯНГИ ИХТИСОСЛИГИ

Меҳнат таълими ўқитувчиларини тайёрлашни янада яхшилаш мақсадида «Халқлар дўстлиги» орденли Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтида қатор тадбирлар белгиланди. Мактаб ислоҳотида илгари сурилган асосий талабларга мувофиқ олий ўқув юртида янги ихтисослик бўйича янги мутахассисликларни ўқитиш ҳам йўлга қўйилди.

Индустриал-педагогика факультетида эса «Умумий техника предметлари ўқитувчиси ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш» махсус курси бўйича машғулотлар олиб борилмоқда.

Шу ўқув йилидан «Умумий техника предметлари ва меҳнат» деган ихтисослик бўйича меҳнат таълими ўқитувчилари ҳам тайёрлана бошланди.

Лекция машғулотларини мазмунли ва қизиқарли ташкил этиш мақсадида меҳнат таълими методикаси кабинети ҳам жиҳозлаб қўйилди.

**А. АЛИЕВ.**

## ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ *материаллари изидан*

# БУНДАЙ ЖАВОБ ЭНДИ КИМГА КЕРАК?

Газетанинг шу йил 27 июль сонида босилган «Баҳона билан иш битмайди» сарлавҳали мақолада Оққўрғон районидаги айрим хўжаликларда техника ремонтига масъулиятсизлик, лоқайдлик билан қаралаётганлиги танқид қилинган эди. Оққўрғон район Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари С. Баҳромовнинг юборган жавобида айтилишича мақола райондаги барча хўжаликларда муҳокама қилинган, камчиликларни бартараф этиш тадбирлари кўрилган. Жумладан, пахта териш машиналарини ремонт қилиш ва мавсумга тайёрлашда жиддий камчиликларга йўл қўйганлиги учун «Коммунизм» колхози бош инженери С. Ғаниев вазифасидан бўшатилган. «Озод» колхозининг ҳамда Оққўрғон ва С. Сегизбоев номли совхозларнинг бош мутахассислари ҳам жиддий огоҳлантирилган. Бу хўжаликларнинг ҳаммасида пахта териш машиналари мавсумга пухта созланиб ўз вақтида тайёргарлик чизиғига келтирилган.

Жавобда шунингдек, терим машиналари ремонтининг боришини текшириш учун район партия комитети, район ижроия комитети, район қишлоқ хўжалик бошқармаси, «Райсельхозтехника» ходимларидан иборат махсус комиссия жойларда иш олиб борган.

РЕДАКЦИЯДАН: шу кунларда областимиз пахтазорларида йиғим-терим ишлари қизғин давом этмоқда. Жуда кўп хўжаликлар техникадан унумли фойдаланиб, машина терими юзасидан белгиланган планларини барвақт бажарганлиги ҳақида рапорт бердилар. Эрта-индин бу соҳадаги топшириқни бажариш арафасида турган колхоз ва совхозлар ҳам оз эмас.

Лекин газетанинг бундан икки ярим ой бурун эълон қилган танқидий материалига йиғим-терим ҳал бўлаётган бир пайтда, орадан 75 кун ўтгач жавоб берилганлигини қандай баҳолаш керак? Бундай жавоб кимга зарур?! Ижроия комитет раиси ўринбосарининг гаплари рост бўлса мақолада кўрсатилган камчилик — нуқсонларни тугатиш юзасидан анча ишлар амалга оширилибди, лекин бу ҳақда ўз вақтида хат орқали жавоб қилиш қийинмиди? Бунинг учун 2,5 ой вақт керак бўлдими? Матбуотнинг танқидий сигналига бу қадар менсимаслик ва лоқайдлик билан муносабатда бўлишга район ижроия комитетига бундай ҳуқуқ берилмаган-ку!?

Бунинг устига юқорида айтилган танқидий чиқишимиз бўйича «Озод» ҳамда «Коммунизм» колхозларида амалга оширилган тадбирлар, қилинган ишларга ишониб бўлмайди. Чунки бу хўжаликларда машина терими яхши ташкил этилмади. Агрегатлардан тўла унум билан фойдаланилмаяпти. 26 октябргача бўлган маълумотга қараганда «Озод» колхозида машина терими плани 77,73 процент, «Коммунизм» колхозида эса 68,36 процент бажарилди, холос. Демак, жавобда «Ремонт ишлари яхши йўлга қўйилди, барча машиналар тайёргарлик чизиғига келтириб қўйилди», деб, редакцияни чалғитишмоқчи бўлишган. Ҳозирги аҳволга қараб туриб бундан бошқача хулоса чиқариш мумкин эмас.

Район ижроия комитетининг тутган нотўғри йўли ва матбуотнинг танқидий чиқишига ўта масъулиятсизларча муносабатда бўлганлигига жиддий принципиал баҳо берилиши лозим. Редакция бу ҳақда район партия комитетининг фикрини билишни истайди!

